ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00507

БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ НАЗАРИЯСИ

Онахон Маннoповна Жабборова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика ўқитувчи

АННОТАЦИЯ

Мақолада бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлаш назарияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган, мазкур масалага доир методик тавсиялар тақдим этилган.

Калит сўзлар: Санъат, педагогика, касб, дидактика, таълим.

THEORY OF PROFESSIONAL TRAINING OF FUTURE FINE ART TEACHERS

Onaxon Mannopovna Jabborova
Chirchik State Pedagogical of Tashkent region

ABSTRACT

The article analyzes the theory of professional training of future teachers of fine arts and its specific features, provides methodological recommendations on this issue.

Keywords: Art, pedagogy, profession, didactics, education.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида “Санъатнинг барча турлари воситасида маънавий-аҳлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш” вазифаси белгиланди[1]. Шу жиҳатдан олий педагогик таълим жараёнида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий тайёрлаш назарияси муаммоларини тадқиқ этиш, унинг мезонларини белгилаш ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида такомиллаштириш долзарб бўлиб турибди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00507

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлаш назарияси масалалари миллий педагогикамиз ва хорижий мамлакатлар педагогикасида муайян даражада тадқиқ этилган [2,3]. Айни пайтда, мазкур масаланинг миллий педагогикамиздаги асослари етарли даражада тадқиқ этилган эмас. Шу сабабли бу ўринда эътиборингизни олий педагогик таълим жараёнида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлашнинг назарий асосларига эътиборингизни тортамиз.

1. *Касбий-назарий билим бериш*. Олий педагогик таълим жараёнида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларига назарий билим бериш асосларини қуйидагилар ташкил этади:

- тасвирий санъатнинг асослари бўйича педагогик, назарий ва компетенциявий билимлар мажмуини бериш;
- тасвирий санъат асосларига доир педагогик меросни ва унинг асосий манбаларини чуқур ўқитиш;
- тасвирий санъат таълимига доир Шарқ ва Ғарб педагогик тажрибалари билан чуқур таништириш;
- тасвирий санъат ўқитувчиларининг илғор ва индивидуал педагогик тажрибалари билан бўлажак ўқитувчиларни чуқур таништириш.

Бундай ёндашув асосида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини назарий билимлар билан қуроллантиришнинг имкониятлари кенг.

2. *Касбий-компетенция билан қуроллантириш*. Олий педагогик таълим жараёнида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий- компетенция билан қуроллантириш асослари қуйидагилардан иборат:

- бўлажак ўқитувчиларнинг тасвирий санъат ва чизмачиликка доир иқтидорини мақсадли ривожлантириш;
- бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида назарий билим ва амалий кўникмаларни қўллай олиш малакасини шакллантириш;
- бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий кўникмаси, малакаси ва фаоллигини уйғун равишда амалиётга йўналтириш;
- бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини ижодий лаёқатини ўстириш ва уларда ижодкорлик тажрибасини таркиб топтириш.

Мазкур асослар бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий-компетенция билан қуроллантиришда муҳим имкониятлар ҳисобланади.

3. *Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларига назарий билим бекриш дидактикаси*. Олий педагогик таълим жараёнида бўлажак тасвирий санъат

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00507

ўқитувчиларига назарий билим дидактикасининг асоларини қуйидагилар ташкил этади:

- тасвирий санъат ва чизмачилик йўналишлари бўйича мутахассислик фанларини чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш;
- умумпедагогик фанларининг тасвимрий санъат асосларига йўналтирилган тарзда ўқитиш;
- мустақил таълим ва аудиториядан ташқари машғулотларнинг имкониятларидан унумли фойдаланиб қўшимча машғулотлар, тренинглар ва ижодий ишлар таҳлилларини ўтказиш;
- илмий-касбий тўгараклар воситасида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг педагогик кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

4. *Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг профессиограммаси масаласи*. Олий педагогик таълим жараёнида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини аниқлаш бўйича профессиограммани ишлаб чиқиш зарурият бўлиб турибди. Бизнинг ёндашувимизга кўра, мазкур профессиограмманинг асосларини қуйидагилар ташкил қилади:

- тасвирий санъат асослари бўйича назарий, амалий ва кампетенциявий билимларга эга бўлиш;
- тасвирий санъат таълими бўйича ўқитиш ва педагогик малакани эгаллаш;
- тасвирий санъат таълими, дидактикаси ва амалиётини чуқур билиш;
- таълим тизимида таълим олувчиларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқиши, иқтидори ва хохишларини аниқлаш, уларни ривожлантириш бўйича кўникмага эга бўлиш;
- педагогик ижодкорлик кампетенциясини эгаллаш.

Ушбу эхтиёж ва талаблар асосида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини текшириш ва баҳолаш мумкин. Бунинг учун мутахассислик ва умумпедагогик фанларни ўқитишда мавзулар бўйича профессиограммага доир тушунчалар, кўникмалар ва малакалар бериб бориш тақозо этилади.

5. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий-назарий тайёрлаш манбалари. Олий педагогик таълим жараёнида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий-назарий тайёрлашнинг асосий манбалари қуйидагилардан иборат:

- миллий педагогик мерос;
- тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш тажрибаси;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00507

- тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашга доир илмий, педагогик ва амалий тадқиқотлар;
- таълимга оид хужжатларда тасвирий санъат ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бу манбалар олий педагогик таълим жараёнида бўлажак тасвирий санъакт ўқитувчиларини тайёрлашнинг бирламчи асоси ҳисобланади. Айни пайтда, назарий ва умумпедагогик таълим чуқурлаштирилган тарзда ўқитилиши муҳим манбадир.

Эътибор берилса, олий педагогик таълим жараёнида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий-назарий тайёрлаш муҳим йўналишларга эга. Шу сабабли бу борада қуйидагилар таклиф этилади:

- мутахассислик ва умумпедагогик фанларнинг тасвирий санъат асослари бўйича чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўқитиш;
- ўқув материалларини дарслик каби шаклларидан ташқари электрон-модулли, масофавий таълимни ва индивидуал компьютерли технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- иқтидорли талабалар билан алоҳида ишлаш ва уларни тасвирий санъат ўқитувчиси муаммоларини илмий ўрганишга жалб этиш;
- ўқитиш жараёнида назария ва амалиёт уйғунлигига эришиш.

ХУЛОСА

Буларнинг барчаси бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашда назарий асоларга қатъий таяниш кераклигини тақозо этади. Чунки бу борадаги назарий ёндашувлар қуйидаги имкониятларга эга:

- билим бериш;
- ўқитишнинг самарали метод ва технологиялари билан қуроллантириш;
- касбий компетенцияни шакллантириш;
- бўлажак ўқитувчиларни амалий фаолиятга йўналтириш.
- Олий педагогик таълим жараёнида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш назарияси бўйича хорижий мамлакатлардан муҳим тадқиқотлар амалга оширилган. Айни пайтда, ҳар бир мамлакат ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, назарий масалаларни специфик жиҳатдан ҳал қилган. Шу маънода бизнинг ёндашувимизга кўра, олий педагогик таълим жараёнида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашнинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00507

назариясини белгилашда мазкур масалага доир Шарқ ва Ғарб педагогик тажрибаларини, таълим бериш асосларини ва дидактик таъминотини уйғун қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

- Мазкур масала бўйича биз томонимиздан кузатиш ва таҳлил ишлари амалга оширилмоқда. Унда тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашнинг мазмуни, педагогик таянчлари, илмий омиллари, компонентлари, профессиограммаси ва диагностикаси масалаларига асосий эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун амалдаги таълим бериш назарияси ва материаллари таҳлил қилиниб, улар янги технологияларга асосланган тушунчалар ҳамда ёндашувлар билан тўлдирилиши муҳим йўналиш сифатида қабул қилинган.

- Кези келганда шуни эслатиб ўтиш жоизки, олий педагогик таълим жараёнида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашнинг назарий масалаларини аниқлаштириб олмасдан амалий натижаларга эришиш қийин. Чунки бу борадаги назария бевосита касбий таълим бериш ва касбий тайёрлаш муаммоларига ечим беради. Бу борадаги миллий ва хорижий илмий тажрибалар мувофиқлаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

- Шундай қилиб, олий педагогик таълим жараёнида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашнинг назарий масалаларини янгича ёндашувлар асосида тадқиқ этиш зарурат бўлиб турибди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.// www.ziyonet.uz
2. Аннамуратова С. К. Художственно-эстетическое воспитание школьников Узбекистана. –Т., 1991.
3. Беда Г.В. Живопись и её изобразительные средства. – М., 1988.
4. Усмонов Н. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоя тарғиботига тайёрлашнинг педагогик асослари. –Т., 2016.
5. Мардонов, Ш. К., & Жаббарова, О. М. (2020). ЗАДАЧИ УРОКОВ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 862-870.
6. Tojiboeva Gulmira Rifovna, Pulatova Dildora Turgunovna. Pedagogik kompetentlik: nazariya va amaliyot. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 209-215.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00507

7. Мусурмонов Рахматулла, Мусурманова Малуда. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда инновациялар. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 777-783.
8. Жабборова, О. Н., & Умарова, З. А. (2021). “ТАРБИЯ” ФАНИНИ КЛАСТЕР УСУЛИДА ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК КОНФЛИКТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 582-587.
9. Жабборова, О. М., & Чимпулатова, Ч. Д. (2021). БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА “ТАРБИЯ” ФАНИНИНГ КЛАСТЕР УСУЛИДА ЎҚИТИЛИШИ. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 562-566.
10. Жабборова, О. М., & Тошпулатова, Д. М. (2021). Бошланғич синф ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар. Academic research in educational sciences, 2(2), 575-582.
11. Умарова, З. А. (2021). Бошланғич таълим дидактикаси. Academic research in educational sciences, 2(2), 556-562.
12. Ochilov Fariddun Izatulloyevich, Methods of teaching natural sciences to primary school pupils on the basis of a competent. Palarch’s Journal Of Archaeology Of Egypt / Egyptology 17(6) (2020), ISSN 1567-214x. 14520-14539 бетлар.
13. Fariddun Izatulloyevich Ochilov, “Atrofimizdagi olam” va “Tabiatshunoslik” darslarini kompetensiyaviy yondashuv asosida tashkil etish jarayonini modellashtirish. The Journal of Academic Research in Educational Sciences, 1(4), (2020). ISSN 2181-1385. VOLUME 1, ISSUE 4. December 2020. Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804. Academic Research, Uzbekistan 2020. 624-629 бетлар.